

## Фазилатли шайх, муҳаддис Мустафо Абу Сулаймон Надвий ҳазратларининг сафарлари давом этмоқда



14:39 / 12.09.2024 1770

«Темур ва темурийлар ҳукмронлиги даврида Самарқанд давлат пойтахти сифатида XIV асрнинг охирлари ва XV асрда Шарқнинг энг гўзал шаҳрига, Марказий Осиёнинг йирик иқтисодий, сиёсий, маданий марказига айланди. Исломий илмларнинг вакилларига бўлган эътибор алоҳида аҳамият касб этар эди. Шунинг учун ҳам ўша даврда ерлик уламолардан ташқари, бошқа мусулмон ўлкалардан ташриф буюрган уламолар ҳам Самарқандда ўзларининг илмий ҳаракатлари учун муносиб марказ топган эдилар», -деб ёзган эди шайх ҳазратлари «Самарқанднинг сара уламолари» китобида.

Дарҳақиқат, Самарқанд ўз замонасининг йирик илмий марказларидан бирига айланган ва бугунги кунда ҳам дунё ҳамжамиятининг эътиборидадир.

Юртимизда меҳмон бўлиб турган муҳаддис **Мустафо Абу Сулаймон Надвий** ҳазратлари ҳамсафарлари билан Имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳининг зиёратларидан сўнг Самарқанддаги бошқа улуғ алломалар қўним топган мажмуаларга бордилар.

Жумладан, Ислом оламидаги энг машҳур шахсиятлар бўлган **Имом Мотуридий, Абу Лайс Самарқандий, Хожа Аҳроп Валий, Имом Доримий, Махдуми Аъзам** раҳматуллоҳи алайҳимнинг марқадларига бориб, уларнинг илмий фаолиятлари, мусулмон дунёси учун қилган хизматлатлари зикр қилинди.

Одатга кўра, илмий суҳбатлар ташкил этилиб, мўътабар китоблардан ўқилди. Ўтган улуғлар ҳақида Қуръон тиловатлари бағишланиб, дуолар қилинди.

***Муҳтарам меҳмонларнинг юртимиз бўйлаб сафарлари давом этмоқда.***